

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиалининг
Талабалар турар жойи тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом филиал Талабалар турар жойи (кейинги ўринларда турар жойи деб юритилади)да яшашнинг умумий қоидалари, филиалнинг профессор-ўқитувчилари, талабаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Турар жойида талабаларнинг яшаши, ўз устида мустақил ишлаши, дам олиши ҳамда спорт, санъат ва бошқа клубларда қатнашиши учун шароитлар яратилади.

3. Турар жойи ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг хайъат қарорлари буйруқлари, олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси Устави, Кенгаши қарорлари, олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси ректори (директори)нинг буйруқлари ҳамда мазкур низомга мувофиқ олиб боради.

4. Турар жойида яшовчилар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган қоидалар асосида вақтинча руйхатга олинадилар. Руйхатга олиш ишларини ташкил этиш турар жойи раҳбари томонидан таъминланади.

5. Турар жойига филиал ходимлари ва талабаларнинг оила аъзолари ҳамда бегона шахсларни яшаш учун рухсат бериш қатъиян ман этилади.

6. Турар жойида яшаганлик учун тўлов белгилаш ва унинг миқдори олий таълим муассасаси тўлов-шартнома асосида талабалар қабул қиладиган филиалнинг педагогик Кенгаш қарори билан белгиланади.

2-боб. Турар жойида яшовчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Турар жойида яшовчиларнинг ҳуқуқлари:

турар жойи биноларидаги маданий-маиший жиҳозлардан фойдаланиш;

фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келган жиҳоз, мебел ва бошқа мулкларни таъмирлаш, янгилаш ҳамда маиший хизматлардан фойдаланишда юзага келган камчиликларни бартараф этишни сўраб турар жойи раҳбариятга мурожаат қилиш;

турар жойида ўтказиладиган оммавий, маданий, спорт ва тарбиявий тадбирларда иштирок этиш;

яратилган шарт-шароитлар бўйича филиал раҳбариятига таклифлар билан чиқиш;

Талабалар кенгаши аъзоларини сайлаш ва унга сайланиш;

Талабалар кенгаши орқали турар жойининг маиший таъминотини такомиллаштириш, тарбиявий ишлар ва маданий ҳордиқни ташкил этиш, яшаш хоналарини жиҳозлаш бўйича масалаларни муҳокама этишда иштирок этиш.

8. Турар жойида яшовчиларнинг мажбуриятлари:

мазкур низом ва турар жойи ички тартиб қоидалари, шунингдек филиал билан тузилган шартнома қоидаларига риоя қилиш;

навбатчилик жадвалига биноан яшаш хоналарида, қаватларда, умумий фойдаланиш жойлари (ҳожатхона, ювиниш хонаси, ошхона ва бошқа жойлар) да навбатчилик қилиш;

умумий фойдаланиш жойлари, яшаш хоналари ҳамда дам олиш жойларида намунали тозаликни ташкил этиш, ундаги жиҳозлардан тўғри ва унумли фойдаланиш;

газ, электр жиҳозларидан ҳамда иситиш тизимидан фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш;

турар жойидан узоқ муддатга кетаётиб (ёзги ва қишки таътил, дам олиш, амалиёт, академик таътил олган ҳоллар), турар жойи раҳбарини икки кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб қўйиш;

кундалик эҳтиёжга эга бўлмаган катта ҳажмдаги шахсий ва қимматбаҳо буюмларни турар жойининг буюмлар сақлаш хонасига топшириш;

яшаб турган хонаси ва бошқа умумий фойдаланиш жойларини ҳар доим тоза ва тартибли тутиш;

турар жойида яшовчилар билан доимо самимий, аҳил муносабатда бўлиш;

турар жойидаги мавжуд барча жиҳозларни намунали даражада тутиш;

умумий фойдаланиш жойларига ўрнатилган ёритгичлар, электр ва газ плиталарини бузмаслик, ювиниш хонаси, ошхона ҳамда маънавият ва маърифат хоналаридан тўғри фойдаланиш;

турар жойида ўтказиладиган ҳашарларда, атрофни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларида мунтазам равишда қатнашиш;

турар жойи мол-мулкидан тўғри ва унумли фойдаланиш ва зарар етказмаслик;

ўқишни тугатган ёки талабалар сафидан четлаштирилган, академик таътил олган ҳолларда икки кун муддатда, шунингдек турар жойидан узоқ муддатга кетишдан олдин (ёзги ва қишки таътил, дам олиш, амалиёт) жиҳозларни ва хона калитини турар жойи раҳбарига қайтариб топшириш.

9. Турар жойида яшовчиларга қуйидагилар ман этилади:

турар жойи раҳбарининг рухсатсиз бир хонадан иккинчи хонага кўчиб ўтиш;

яшаш хонасида кир ювиш;

хонадаги анжомларни бошқа хонага рухсатсиз кўчириш;

хонадаги электр тармоқларини ўз хоҳишича ўзгартириш ва қўшимча ёритгич ўрнатиш, деворларга расмлар чизиш ва ёпиштириш;

овоз кучайтирувчи қурилмалардан фойдаланиш, юқори овозда ашула айтиш ва мусиқа асбобларини чалиш (*мусиқа ва санъатга ихтисослашган йўналиш, гуруҳ, факультет талабалари яшовчи турар жойлари бундан мустасно*);

электр иситгичлар ва керосиндан фойдаланиб ишлайдиган асбобларни ишлатиш;

яшаш хонасида бегона шахсларнинг тунаб қолишлари учун жой бериш;

спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш, сақлаш, сотиш ҳамда карта ва қимор ўйинларини ўйнаш ва ҳ.к.;

турар жойи хоналарида диний маросимларга оид тадбирлар, йиғинлар ўтказилиши, диний сабоқ берилиши ва ўрганилиши.

10. Турар жойи фаолиятида иштирок этишда фаоллик кўрсатган хулқли талаба куйидаги тартибда рағбатлантирилади:

миннатдорчилик билдириш;
мақтов ёрлиғи топшириш;
эсдалик совғалари билан тақдирлаш;
моддий рағбатлантириш.

11. Турар жойи ички тартиб қоидалари, филиал одоб-ахлоқ қоидаларини бузган талабага нисбатан куйидаги чоралар кўрилади:

- Ҳайфсан;
- Турар жойидан чиқариш.

12. Филиалдан четлатилган талаба шу хусусида буйруқ чиққандан сўнг ёки бошқа сабаблар бўйича турар жойидан чиқиши белгиланган талаба бир ҳафта муддат ичида турар жойидан чиқарилади.

13. Талаба турар жойида фойдаланиб келаётган мол-мулкка бевосита етказилган ҳақиқий зарарни тўлаши шарт.

3-боб. Турар жойининг вазифалари ва функциялари

14. Турар жойининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

талабаларнинг таълим ва тарбия олишлари учун турар жойида муносиб шарт-шароитлар яратиш;

турар жойига яшаш учун тавсия этилган талабаларни жойлаштириш, уларнинг контингенти билан самарали иш олиб бориш;

турар жойида талабаларнинг ўзини ўзи бошқарувини ташкил этиш ҳамда ўрнатилган ички тартиб қоидаларига риоя этилишини таъминлаш.

15. Турар жойи ўзига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида куйидаги функцияларни амалга оширади:

а) талабаларнинг таълим ва тарбия олишлари учун турар жойида муносиб шарт-шароитлар яратишда:

турар жойи иш режасини бугунги кун талабалари ҳамда талабаларнинг хоҳиш-истаклари, жамиятимиздаги ислохотларни инобатга олган ҳолда тайёрлаш ва тасдиқлаш учун киритиш;

турар жойида талабаларнинг яшashi, ўз устида мустақил ишлаши, дам олиши ҳамда спорт, санъат ва бошқа тўғарақларда қатнашиши учун шароитлар яратиш;

турар жойида филиал томонидан моддий-техника таъминоти, уни капитал ва жорий таъмирлаш, бинодаги қаттиқ ва юмшоқ мебель, хона жиҳозлари (кўрпа-тўшак, ёпинчиқлар ва бошқалар), техника воситаларини сақлаш, таъмирлаш, ҳудудни ободонлаштириш, тозалигини таъминлаш, коммунал-хўжалик хизматлари (иссиқ ва совуқ сув таъминоти, канализация, иссиқ сув қувурларини таъмирлаш) ва бошқа шарт-шароитлар яратиш;

ўқув ва дарс тайёрлаш хонаси, дам олиш хонаси, тиббиёт хонаси, ювиниш хонаси, буюмларни сақлаш хонаси, ошхона, спорт ва кино заллари ва ота-оналар хоналарини мунтазам фойдаланишга яроқли ҳолда сақлаш;

талабаларни бўш вақтларини мазмунли ташкиллаштириш учун филиал ва

турли ташкилотлар томонидан режа асосида ва режадан ташқари маънавий-маърифий тадбирлар ташкиллаштириш;

б) Турар жойига яшаш учун тавсия этилган талабаларни жойлаштириш, уларнинг контингенти билан самарали иш олиб боришда:

турар жойида яшашга тавсия этилган талабалар билан “Талабалар турар жойидан хона ва жиҳозлар бериш тўғрисида” шартнома ва “Талабалар турар жойидан хона ва жиҳозларни топшириш-қабул қилиш” далолатномалари тузиш ва тиббий кўриқдан ўтказиш билан боғлиқ ишларни ташкиллаштириш;

талабаларни яшаш хоналарига жойлаштириш;

санитария-гигиена нормаларининг бажарилишини таъминлаш;

ҳар бир яшаш хонаси учун хона сиғимидан келиб чиқиб, яшаш учун зарур анжомлар билан таъминлаш;

турар жойида яшайдиган талабаларнинг шахсий варағи, улар ҳақидаги умумий маълумотлар ва статистик жадвалларни юритиш;

в) турар жойида талабаларнинг ўзини ўзи бошқарувини ташкил этиш ҳамда ўрнатилган ички тартиб қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;

турар жойида талабаларнинг ўзини ўзи бошқарувини шакллантириш ва амалга ошириш мақсадида – Талабалар кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб юритилади) ташкил этиш;

турар жойида ўрнатилган ички тартиб қоидаларига риоя этилишини таъминлаш.

4-боб. Турар жойи фаолиятини ташкил этиш

16. Турар жойи ўрнатилган талаблар асосида фаолият юритиши учун филиал директори шахсан масъулдир.

17. Турар жойида бешта ташаббус хоналари, дам олиш хоналари, тиббиёт хонаси, ошхона, ҳожатхона, ювиниш хонаси, ўқув зали, кутубхона, спорт зали, буюмларни сақлаш хонаси ва бошқа хоналар ташкил этилади.

18. Турар жойи ошхона газ плиталари, стол-стул, сув тармоғи, санитария жиҳозлари билан таъминланиши ҳамда ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб бериши шарт.

19. Турар жойини филиал томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган талабалар турар жойи мудирини бошқаради. Мудир турар жойидан фойдаланиш, ички тартиб қоидаларга риоя қилинишини таъминлаш, талабаларга қулай шароитларни яратишни ташкил этиш учун масъул ҳисобланади.

Турар жойи штатлар бирлигини таъминлаш, уларни ўз хизмат вазифаларини бажаришларини назорат қилиш, талабалар учун зарур шарт-шароитларни яратиш бериш ва ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда талабалар ўртасида ташкилий, хўжалик, ҳуқуқий-тарбиявий ишларни олиб бориш турар жойи раҳбари томонидан амалга оширилади.

20. Турар жойида раҳбар бошқарувида штатлар жадвалига мувофиқ белгиланадиган ходимлар фаолият юритади.

21. Турар жойида олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш масъулияти Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари зиммасига юкланади.

22. Филиал турар жойида маънавий-ахлоқий тарбия самарадорлиги учун шахсан педагог-тарбиячи масъул ҳисобланади. Педагог-тарбиячининг иш режаси ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари томонидан тасдиқланади ҳамда унинг фаолиятини мувофиқлаштиради.

23. Турар жойида яшашга тавсия этилган талабалар билан “Талабалар турар жойидан хона ва жиҳозлар бериш тўғрисида” шартнома ва “Талабалар турар жойидан хона ва жиҳозларни топшириш-қабул қилиш” далолатномалари тузилади ва талабаларни тиббий кўриқдан ўтказиш билан боғлиқ ишлар ташкиллаштирилади.

24. Турар жойида яшаш учун талабалар томонидан тўланадиган тўлов миқдори ҳар ўқув йили бошида филиал Кенгашининг тегишли қарори билан белгиланади. Турар жойида яшаганлик учун тўловларни амалга ошириш муддатлари шартномада белгиланади.

Талабаларнинг ёзги таътил даври учун тўлов амалга оширилмайди.

25. Турар жойида яшаганлик учун белгиланган тўловларни амалга оширишда филиалнинг қуйидаги тоифадаги талабаларига имтиёзлар филиал Кенгаши томонидан берилиши мумкин:

кўз касалликлари бўйича 1-2-гуруҳ ногиронлари, чин етим ва етим (отаналаридан бири вафот этган), Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ва кам таъминланган талабаларни тўловдан озод этиш;

умумий касалликлар бўйича 2-гуруҳ ногиронлари, ўз вазифасини намунали бажариб келаётган Кенгаш раиси, қават сардорлари ҳамда турар жойи кутубхонаси учун масъул талабалар учун умумий тўловдан 50 фоиз чегириш.

26. Талаба ва ўқувчиларни турар жойларига жойлаштиришда мавжуд ўринлардан эҳтиёж ва талаб юқори бўлган ҳолатларда қуйидаги мезонлар кетма-кетлиги асосида ўқувчи ва талабалар устунликка эга бўлади:

- Чин етим талаба-ўқувчилар (курсидан қатъий назар);
- “Меҳрибонлик уйлари” тарбияланувчилари;
- Ногиронлиги мавжуд талаба-ўқувчилар (курсидан қатъий назар);
- Ижтимоий ҳимояга муҳтож, моддий аҳволи оғир талабалар (шунингдек, битта оилада 2 ёки ундан ортиқ шахс тўлов-шартнома асосида ўқиётган бўлса);
- Хориждан келиб таҳсил олаётган талабалар;
- 1-2 курс талабалари;
- Талаба қизлар;
- Ёшлар иттифоқининг фаоллари;
- Халқаро миқёсдаги фан олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритган талабалар.

- Ёзги таътил даврида “Фидокор” ёшлар меҳнат отряди таркибида талабалар турар жойларини таъмирлашда иштирок этган талабалар;

- Талабалар турар жойида доимий равишда талабалар кенгаши раиси, қават сардорлари ва бошқа жиҳатлари билан доимий равишда фаоллик кўрсатиб келаётган талабалар;

27. Турар жойининг йиллик иш режаси филиал директори томонидан тасдиқланади ва ҳар ярим йилда ўз фаолияти бўйича филиал директори Кенгашига ҳисобот беради.

Турар жойининг йиллик иш режаси олиб бориладиган маънавий-маърифий

ва тарбиявий ишларни ҳам қамраб олади. Иш режа филиалнинг бошқа таркибий бўлинмалари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

28. Турар жойида амалга ошириладиган маънавий-маърифий ишлар режа асосида турли ташкилотларни жалб қилган ҳолда олиб борилиши мумкин.

29. Турар жойида олиб бориладиган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар Ўқув ва тарбиявий ишлари бўйича директор ўринбосари томонидан мувоқилаштирилади.

5-боб. Турар жойида талабаларнинг ўзини ўзи бошқарувини ташкил этиш

30. Турар жойида талабаларнинг ўзини ўзи бошқарувини шакллантириш ва амалга ошириш мақсадида Кенгаш ташкил этилади.

31. Кенгаш ўз фаолиятини Ўзбекистон ёшлар иттифоқи филиал бошланғич ташкилоти тўғрисида ва Талабалар кенгаши тўғрисида низомлар асосида ташкил этади ва олиб боради.

32. Кенгаш раиси фаолият олиб борган даврда турар жойи раҳбарининг ёшлар бўйича маслаҳатчиси ҳисобланади.

33. Кенгашнинг иш режаси ва дастури Кенгаш раиси томонидан ишлаб чиқилиб, бошқарув аъзолари, педагог-тарбиячи билан муҳокама қилинади ҳамда Ўқув ва тарбиявий ишлари бўйича директор ўринбосари томонидан тасдиқланади.

34. Яшовчиларга рағбатлантириш ёки интизомий чоралар кўриш масаласи Кенгаш билан келишилган ҳолда ҳал этилади.

6-боб. Турар жойи фаолиятини назорат қилиш

35. Турар жойи фаолияти филиал раҳбарияти ва жамоат ташкилотлари томонидан махсус режа асосида ўрганиб борилади ҳамда унинг натижалари филиал Кенгаши йиғилишларида муҳокама этилади.

36. Филиалнинг тегишли директор ўринбослари томонидан доимий назорат этиб борилади ва ўз йўналиши бўйича вазифаларни амалга ошириш юзасидан директорга таклифлар киритади.

37. Турар жойида билдирилган мулоҳаза ва фикрларини ёзиш учун қайднома дафтари (муҳрланган) бўлиши лозим.

38. Ижтимоий тармоқларда талабалар фикрларини қабул қилиш ташкил этилади ва яшовчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳар ҳафтада бир марта турар жойида тегишли факультет раҳбарияти ва турар жойи раҳбари ва Кенгаш ҳамкорлигида ўрганилиб, муҳокама қилинади ҳамда тегишли чоратадбирлар амалга оширилади.

7-боб. Якуний қондалар

38. Турар жойини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.